



О'ЗВЕКИСТОН BUNYODKORI

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkori@umail.uz

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ІЖТИМОЙ-ІҚТІСОДЫ ГАЗЕТА

№2 (351) 2020 йил 10 январь, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума күнлари чиқады.

ҚУРИЛИШ СОҲАСИГА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЕНГ ЖОРӢ ЅТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

7 январь куни қурилиш соҳасидаги испоҳотларни янада жадаллаштириш бўйича
устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда бунёдкорлик кўлами йил сайн кен-
ганимда. Янги уй-жойлар, йирик заводлар, замонавий
инфраструктура объектлари барпо этилмоқда. Табиики,
бундай катта ҳажмидаги ишларни сифати ва ўз вақти-
да бажариш учун малакалар қурувчилар ва лойиҳачилар,
барқарор ташкилотлар керак.

Йиғилишда қурилиш соҳасидаги муаммо ва камчилик-
лар кескин танқид қилинди. Масалан, мамлакатимизда 22
мингга яқин қурилиш-пурдат ташкилоти бўлиб, уларнинг
аксариятида ишчилар сони ва касб малакаси тўғрисида
маълумот юритилмайди.

Худудлардаги барча қурилишлар ягона буортмачи хиз-
мати ташкилотларига топшириб қўйилгани кўрсаткичлар-
га салбий тасъир қилимоқда. Илгор хорижий таҳрибада қу-
рилиш хавфсизлиги, сифати ва натижаси назорат қилинса,
бизда барча куч ва ресурслар жараённи назорат қилишга
сафарланади, сифат иккичи ўрнга тушиб қолган.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги камчиликларни барта-

раф этиш, уни замонавий асосда ривожлантириш бўйича
муҳим чора-тадбирларни белгилаб берди.

Лойиҳа институтлари ўтсацда соглом рақобат мухити-
ни яратиш, хорижий тажриба асосида тендерлар ўтказиши-
нинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш, бу борода электрон
тизимини эксперимент тариқасида Тошкент шаҳрида жо-
рӣ этиш бўйича топширик берилди.

Қурилиш, Молия, Адлия вазирliklari ва бошқа му-
тасадди ташкилотларга жорӣ йил 1 июлга қадар қури-
лиш корхоналари фаoliyatiни баҳолаш рейтингини ишлаб
чиқиш вазифаси қўйилди. Ушбу рейтингда ишчилар сони ва
малакаси, бажарилган ишлар ҳажми, солиқ ва кредитлар-
нинг ўз вақтида тўланиши каби мезонлар ўз аксими топади.

Шахарсозлик нормалари ва қоидларини ҳамда ягона
буортмачи хизмати ташкилотлари фаoliyatinи такомил-
лаштириш зарурлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)

БАРЧА ХИЗМАТЛАР УЧУН ЯГОНА БЎЛГАН ЭЛЕКТРОН РАҶАМЛИ ИМЗО ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

9 январь куни давлат хизматлари қўрсатиш самарадорлигини
ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Пре-
зиденти сифатидаги фаoliyatinin илк кунларидан «Халқ
давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимиз-
га хизмат қилиши керак» деган фояни илгари сурган эди.
Максад одамларимизнинг оғирини енгил қилиш, ҳар қандай
куйлайликлар яратишдан иборат.

Бунинг учун, аввало, расмий идораларга у ёки бу юмуш
билил мурожаат қилган аҳолининг вақти ва маъбленини тे-
жаш, айнича, сарсон-сағардононинка барҳам бериси, қол-
верса, коррупцияни бартараф этиш мақсадларида дав-
лат хизматлари қўрсатишнинг яхлит, замонавий, ишончли
тизимини яратишга киришилди.

Шу муносабат билан Президент Шавкат Мирзиёев то-
монидан 2017 йил 12 декабрь куни «Аҳолига давлат хиз-
матлари қўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қи-
лиш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармон имзонланди.
Унга мувофиқ, Адлия вазирlikи хузурида давлат хизмат-
лари агентлиги ташкил этилди.

Хозирги кунда мамлакатимиз бўйлаб Агентлик тасар-
уфидаги давлат хизматлари марказлари фаoliyat юри-
тиб келмоқда. Оддий одамлар учун кўлай, кўркм бўлган
80 дан ортиқ инновацион бинолар жисмоний ва юридик
шахсларга хизмат қилиб келаётган бўлса, бугунги кунда
яна 94 та шундай иншоатларни қуриш ишлари олиб борил-
моқда.

Бундан ташқари, олис жойларга чиқиш орқали («мо-
билил давлат хизматлари») кўлай ва шаффоф тарзда сайдер
хизматлар ҳам кўрсатилияти.

Бугунги кунга келиб, давлат хизматлари марказлари
орқали «ягона дарҷа» тамоили асосида 130 турдан
зиёд хизматлар тақдим этилмоқда. 2017 йилда аҳолига
қўрсатилган хизматлар сони 12 мингтанги ташкил этил-
ган бўлса, 2019 йилда бу қўрсаткич 13 миллиондан
ошган.

(Давоми 2-бетда)

ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР ҚУДРАТИ



Халқимиз манфаати ва фаровонлиги йўлидаги муҳим қадамлар самараси

Президентимиз 2019 йил 30 декабрь куни
парламент палаталари раҳбарлари, ҳукумат
аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари
иширикотида йил якунлари сарҳосиби ва 2020 йилда
амалга ошириладиган ишларга бағишлаб ўтказилган
йиғилишда барча соҳаларда олдимизда турган
муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Йиғилишда, хусусан, инвестиция дастурларига инфратузима объектларини қуриш ва ишга туширишда янги тизим жорӣ этиши, эркин рабкорат мухитини шакллантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ижросини таъминлаш, кластерларга зарур шароитлар яратиш, кимё тармоқлари, энергетикани ривожлантириш, ушбу соҳаларга хусусий сектор ва инвестицияларни фаол жалб қилиш, хомашё қазиб олишини кўйайтириш бўйича муҳим топшириклар берилди.

(Давоми 3-бетда)



Ватан – муқаддас,
уни ҳимоя қилиш
шарафли бурчдир!

2



«Ко'чмас мулк савдо
хизмати» МЧЖ
тадбиркор ва
сармоядрорларни
аукцион савдоларида
таклиф этади!

3



Кумушкон
туризм қишлоғи

4

